

**“Mobile Banking” илова дастуридан фойдаланиш бўйича  
ШАРТНОМА № \_\_\_\_\_**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_ шаҳри

“Микрокредитбанк” АТБ номидан Устави ва ишончнома асосида фаолият юритувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси \_\_\_\_\_, бундан буён матнларда “Банк” деб номланади, бир тарафдан ва \_\_\_\_\_ номидан Устави ёки Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_, бундан буён матнларда “Мижоз” деб юритилади, иккинчи тарафдан, ушбу шартномани (Бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Мазкур шартномага асосан банк мижозга «Mobile Banking» илова дастурий мажмуасини (бундан буён матнларда “Дастур” деб номланади) ўрнатиш ва ушбу дастур орқали электрон банк хизматларини кўрсатиш, мижоз эса шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади;

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1 Мижоз «Mobile Banking» илова дастурий тизимига уланиш ва фойдаланганлиги учун қуйидаги миқдорда ҳақ тўлайди:

- Дастур тизимига уланиш – бепул;
- Ойлик абонент тўлови – Энг кам ойлик иш ҳақининг 20% миқдориди;

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1 Банкнинг ҳуқуқлари

3.1.1 Мижоз шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган ойлик тўловни шартномада қайд қилинган муддатда ундириш;

3.1.2 Мижознинг ҳисоб рақамида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк мижозни дастурдан фойдаланиш операциясини тўхтатиб қўйиш;

3.1.3. Мижозга дастур юзасидан хизмат кўрсатиш юзасидан зарур бўлган маълумотларни мижоздан талаб қилиш;

3.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш» тўғрисидаги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2886-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички назорат Қоидалари»га мувофиқ мижоз томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда ёки амал қилиш муддати тугаганда, мижоз таъсис ҳужжатлари ва имзолаш ҳуқуқига эга шахслар таркиби ўзгарганлиги тўғрисида банкка маълумот тақдим этилмаганда банк ушбу шартнома бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш ва рад этишга ҳақли.

3.1.5. «Mobile Banking» илова дастурий тизимидан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилган тақдирда мижоз томонидан бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида ёзма тушунтириш бергунга қадар банк ушбу шартнома бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш ва рад этишга ҳақли.

3.1.6. «Mobile Banking» илова дастурий тизимидан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганлиги тўғрисида гумонлар мавжуд бўлганда, Банк

Банк \_\_\_\_\_ (Имзо)

Мижоз \_\_\_\_\_ (Имзо)

тизимида шартномада қайд этилган шахс фойдаланаётганлигини мижознинг жойлашган почта манзили ёки шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга.

### **3.2 Мижознинг ҳуқуқлари**

3.2.1 Шартномага асосан ҳисоб рақамидаги айланмалари ва қолдиқлари тўғрисида маълумотлар олиш;

3.2.2 Банкка шартнома бўйича амалга оширилган тўловлар бўйича маълумот олиш.

### **3.3 Банкнинг мажбуриятлари**

3.3.1 Дастурдан фойдаланувчи мижоз алоқа канали орқали олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилади ва банк амалиёт кунига тегишли тартибда ижро этиш учун қабул қилиб олади;

3.3.2 Маълумотларни қабул қилиш ва узатиш автомат тарзда амалга оширилади;

3.3.3 Дастур фаолиятини юритиш учун мижоз мобил телефонига ушбу дастурни ўрнатиш бўйича зарурий ишларни бажариш;

3.3.4 Банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни қонунга риоя қилган ҳолда учинчи шахсларга ошкор этмаслик;

3.3.5 Банк иш кунларида маълумотларни ўз вақтида қабул қилиш ва тегишли тартибда ижро этиш:

- Банклараро тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаб берган вақтлар давомида амалга оширилади.

- Ички тўловлар банк иш куниди 19-00 гача қабул қилинади.

3.3.6 Мижозни тизимда ишловчи электрон рақамли имзо калити билан таъминланган «Mobile Banking» илова дастури билан бутлаш (янги очилган мижоз учун) ва нормал ишлаши учун зарур шарт шароитларни яратиб бериш;

3.3.7 Мижоз томонидан дастур ўрнатилган мобил телефони йўқолганлиги ёки ўғирлаб кетилганлиги ҳақидаги ёзма хабарни олгандан сўнг ўша куннинг ўзида мижознинг дастурдан фойдаланиш ваколатини бекор қилиш.

### **3.4 Мижознинг мажбуриятлари**

3.4.1 Дастурга уланиш учун мижоздан қуйидагилар талаб қилинади:

- Мижоз мобил телефони соз ҳолатда бўлиши;

- Интернет тизимига уланган бўлиши ;

- Мижоз мобил телефони ҳисобида интернетдан фойдаланиш учун етарли маблағ мавжудлиги;

- Мобил телефонда Android операцион тизимида ишлаши.

3.4.2 Мижоз дастур орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўловларни фақат тўлов топшириқномаси форматида банкка юборади;

3.4.3 Учинчи шахсларга дастурдан фойдаланиш ҳуқуқини бермаслик;

3.4.4 Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8 (илова №721) сонли қарори - Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабидан келиб чиқиб дастур орқали узатилган электрон тўлов топшириқномасининг асл нусхаси банкка тақдим этилмасдан ўзида сақлаш;

3.4.5 Агар дастур ўрнатилган мобил телефон йўқолиб қолса ёки ўғирланса ўша куннинг ўзида хизмат кўрсатувчи банкка ёзма равишда мурожаат қилиш.

3.4.6 Мижозга банк томонидан ишониб топширилган электрон рақамли имзо калити билан таъминланган «Mobile Banking» илова дастурининг бутунлигини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади ва шунга мувофиқ ҳолда:

- унга иш жараёнида фойдаланиш учун топширилган банкнинг электрон рақамли имзо калити билан таъминланган «Mobile Banking» илова дастурни асраб авайлаш,

Банк \_\_\_\_\_ (Имзо)

Мижоз \_\_\_\_\_ (Имзо)

дастурга зарар етказилишини олдини олиш чораларини кўриш, ўзидан бошқа ҳеч ким фойдаланишига ва дастурдан нусха кўчирилишига шароит яратиб бермаслик.

- мижознинг айби билан унга топширилган электрон рақамли имзо калити билан таъминланган «Mobile Banking» илова дастурининг бутунлигини таъминламаган тақдирда банкга етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва уни қоплаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **4. ДАСТУРНИ ЎРНАТИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА БАНК ТОМОНИДАН ИШ ЮРИТИШ**

4.1.1 Банкка юборилган ва банкдан қабул қилинган барча пул ҳисоб-китоб маълумотлари дастурий архивланади ва Давлат архиви томонидан ўрнатилган тартибга асосан сақланади. Архивлардан фойдаланиш ваколоти мижознинг фақат дастурнинг ишлашига жавобгар ходимига берилади;

4.1.2 Банкларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2528-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ички назорат Қоидалари»га мувофиқ банкнинг масъул ходими қўшимча текширилиши лозим бўлган электрон тўлов ҳужжатларини чоп этиши ва уларни банкнинг тегишли бўлимлари билан келишиши мумкин.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1 Тарафларнинг бири ушбу шартномадаги мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, мажбуриятни бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва мазкур шартномада назарда тутилган тартибда мулкий жавобгар бўлади.

5.2 Мижоз томонидан узатилган тўлов ҳужжатлари тўғри тўлдирилган ва қонуний бўлган тақдирда, банк ушбу ҳужжатларни ўз муддатида тегишли тартибда ижро этиш учун жавобгардир.

5.3 Мижоз дастур орқали электрон имзо билан тасдиқлаб жўнатган ва банк томонидан қабул қилинган барча тўлов ҳужжатлари учун жавобгардир;

5.4 Мижоз дастур ўрнатилган мобил телефон аппаратидан учинчи шахслар фойдаланганлиги учун жавобгардир;

5.5 Мижозга банк томонидан ўрнатиб берилган дастур хавфсиз ҳолатда бўлиши, учинчи шахсларни фойдаланмаслиги учун жавобгардир. Ушбу талабларни бажармаганлиги оқибатида учинчи шахслар томонидан дастури орқали мижознинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқиб кетишига мижознинг шахсан ўзи жавобгар ҳисобланади;

5.6 Мижоз тўлов топшириқномасининг электрон ва қоғоздаги шаклининг тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларига мослиги бўйича жавобгардир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1 Банк ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ва мижоз томонидан белгиланган техник шароитларга риоя қилинмаслик натижасида ахборотларни узатиш ва қабул қилишдаги узилишларга жавоб бермайди.

6.1 Дастур банк мулки ҳисобланади;

6.2 Дастур орқали олинган ахборотлар «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунга асосан юридик кучга эгадир;

6.3 Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар имзолагандан сўнг кучга киради ва ҳақиқий ҳисобланади;

6.4 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

Банк \_\_\_\_\_ (Имзо)

Мижоз \_\_\_\_\_ (Имзо)

6.5 Банк билан мижоз ўртасида тузилган ушбу шартнома бекор қилингандан сўнг, мижоз мобил телефонига ўрнатилган дастур банк томонидан ўчириб ташланади.

6.6 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида «Mobile Banking» илова дастурий тизимидан фойдаланганлиги тугрисида асосли шубхалар мавжуд бўлганда мазкур шартнома банк томонидан бир томонлама бекор қилинади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1 Тарафлар шартнома имзолангандан кейин фавқулотда характерга эга бўлган, мумкин бўлган усуллар ёрдамида олдиндан кўриш ёки бартараф этиш имкони бўлмаган ҳодиса натижасида мажбуриятларини тўлалигича ёки қисман даражада бажара олмаса, мажбуриятдан озод қилинади;

7.2. Агар ушбу шартноманинг 7.1 бандида кўрсатилган ҳолат содир бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятини бажара олмаётган тараф бошқа тарафни уч кун ичида шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақида огоҳлантириши керак.

7.3. Агар ушбу шартноманинг 7.1 бандида кўрсатилган ҳолат содир бўлса, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ушбу фавқулотда ҳолат ва унинг оқибатлари бартараф этилгунгача бўлган муддатга узайтирилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ёки амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилиниши мумкин.

## 9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан кучга киради ва мижоз ҳисоб рақами ёпилгунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

9.2 Шартномани истаган томон бекор қилиши мумкин ва бу ҳақда бошқа томонни 10 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Мижоз”

“Банк”

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

М.Ў.

Бошқарувчи: \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи: \_\_\_\_\_

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг моддалари талабига мос равишда тузилган.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й

Банк \_\_\_\_\_ (Имзо)

Мижоз \_\_\_\_\_ (Имзо)